



Тарих илми улкан омонат хисобланади. Бўлиб ўтган ходисаларни омонат тутиб келажак авлодларга етказиш ҳар бир ҷамиятнинг бурчидир. Келажак авлод эса ўша тарихни ўрганиб, умри узаяди, таҷрибаси ортади. Аввалгиларнинг фойдали ишларини ўзига ибрат қилиб олади ва ҳатоларини такрорламасликка ҳаракат қилади. Инсоният тарихида бу ишга ҳамиша амал қилиб келинди. Тарихий ходисаларни бузмай кўрсатишга, қандай бўлса шундайлигича келажак авлод учун қолдиришга, иложи борича, ҳаракат қилинди. Фақат ҳудосизлар тузуми-коммунистлар даврига келиб, бу одат кўпол равишда бузилди. Коммунистлар фақат ўзлари иштирок этган воқеаларни бузиб кўрсатибгина қолмай, балки, бутун бошли инсоният тарихини моддий (материалистик) тафсир қилиб чиқдилар. Тарих саҳифаларини ўзларининг қингир тарозуларига солиб ўлчадилар ва одамларни шунга ишонишга мажбур қилдилар.

Шундай қилиб, қизил империя асорати остида қолган бизнинг юртимиз тарихи ҳам бутунлай бузилди. Тарихимиз саҳифалари қизил ёлгонга тўлиб кетди. Айниқса, коммунистлар олиб борган ваҳшиёна сиёсат ҳақида тузукрок бир маълумот тўплаш имкони бўлмади.

Бу маънода коммунистик террордан қочиб, дину диёнатини, жонини сақлаш мақсадида чет элларга ҳижрат қилишга мажбур бўлган ватандошларимиз қолдирган асарлар алоҳида ўрин тутди. Менимча, муҳожирларимизнинг асарлари диёримиз тарихини яхшироқ ўрганишда, коммунистлар халқдан берқитган ҳақиқатни ошқор қилишда қатта манба бўла олади.

Шундай асарлардан бири Муҳаммад Мусо Туркистонийнинг “Улуғ Туркистон фожияси” тарихий асаридир. Асарнинг муҳимлиги шундаки, аввало ундаги маълумотлар эътиборли манбалардан олингандир. Янада эътиборга молик ери шундаки, воқеаларнинг кўпларини муаллиф ўз кўзи билан кўрган, бошидан кечирган ёки кўрган-билганлардан нақл қилган. Муҳаммад Мусо Туркистоний 1904 йили Андижонда, диндор оилада таваллуд топиб, бошланғич таълимни ўша вақтдаги мактабларда олдилар. 1919 йили гимназияни битириб, Иттиҳоди Исломий ҷамиятига аъзо бўлдилар. 1928 йили Афғонистонда форс тилини ўргандилар. 1929 йили Макка ва Мадинада араб тилини муқаммаллаштирдилар.

1931 йили Кошгорда Шаркий Туркистон жумхурияти куришда иштирок этдилар. У ерда Кизил ярим ой жамияти ва шифохоналар очишда катнашиб, масъул вазифаларда ишладилар.

Шаркий Туркистон жумхурияти инкирозидан сўнг 1934 йили Кобулга, 1937 йили эса, Хижоз-Макка ва Мадинага келдилар. Якинда вафот этдилар (Аллох раҳматига олсин). Мухаммад Мусо Туркистоний бир неча китоблар талиф килганлар. “Улуг Туркистон фожиаси” у кишининг бош асари бўлиб, икки жилддан иборатдир. Биринчиси Гарбий Туркистонга, иккинчи қисми эса, Шаркий Туркистонга бағишланган. Асарнинг биз учун алоҳида аҳамиятли биринчи жилди ўзбек тилида, Куръон ҳарфларида чоп килинган бўлиб, 400 саҳифадан кўпроқдир.

Она Ватан фирогида куйган, жонажон диёр муҳаббати ила ёнган муаллиф, китоб зарваракларига ажойиб бир дардли мисраларни жойлаштирган:

Ватан малуф ўланлар бесабаб тарки диёр этмас.
Заруратсиз жаҳонда кимса гурбат ихтиёр этмас.

Иккинчи байт:

Чидолмай кўрдигим ҳаксизликка тарки ватан килдим.
Ўрус зулмила жисмим поради, кати чаман килдим.

Китобга доғистонлик машҳур мужоҳид Имом Шомил ўгли, Саид Шомилбек муқаддима ёзган.

Китобнинг кириш қисмида муаллиф руслар томонидан тарих бузилганлиги ҳақида афсус ва надомат билан шундай дейди:

“Руслар Туркистон фожиасига оид тарихни таҳриф этдилар. Мужоҳидларимизни ва миллий қаҳрамонларимизни “босмачи” дедилар. Тарих ҳеч бир замонда ва ҳеч маконда мундоқ таҳриф килинмади ва таҳкир килинмоғондир. Рус воқеанавислари Туркистон фожиасида рол ўйнаган мужоҳидларимизни бир тўп карокчи, босмачи шаклида кўрсатди. Зотан, руслар муголата килиш сиёсатида кўп моҳирдирлар”.

Сўнгра, Мухаммад Мусо Туркистоний бу ноҳақликни муҳокама этиб, қуйидагиларни ёзади:

“Аммо эллик-олтмиш минг аскар ила муқаммал силоҳлик, қувватлик, мухторият ҳукумати қура билган миллий мужодала қаҳрамонларини босмачи демак ҳаксизликдир.

Ошкор душман сўзидир.

Бир замонлар осойишталикни халолдор килган ёмонларни ёмонликда давомлари учун руслар кўз юмдилар эди. Шу вақтда ўғриларни, ашқийёларни, карокчиларни ҳаммаларини босмачи деб от қўйган, айна замонда мужоҳидларимизни ҳам босмачи (разбойник) деб пропалонда килдилар. Овропа ва бошқа давлатлар русларнинг матбуотидан олгон хабарларни айнан нашр этдилар. Туркистон мужоҳидлари деб ёздирулгон ерда, газетларда, мажмуаларда босмачи, деб ёзиб таркатдилар. Холбуки, Туркистонда саккиз сана давом этган миллий мужодала даврида миллионлаб шахидлар бергон мужоҳидларимизнинг мисоли, Анкарада чиққан миллий мужодала қахрамонларига ўхшайдир. Яна бир мисоли Жазиорада Франса ҳукуматиға исён килуб, саналарча муҳорабадан кейин истиклолиға эға бўлган Жазиора мужоҳидлари қабидир”.

Бу мавзудағи фикрни ривожлантира бориб, муаллиф ушбуларни ёзади:

“Мужоҳидларимизни гарчи руслар дунёға “босмачи” деб эълон килса ҳам, Оврупонинг баъзи муҳаррирлари ҳақиқатни майдонға чиқариб, Туркистон миллий мужодала ҳаракатларини миллий кўзголиш, деб ёзгон ёзувчилар бўлди. Жумладан, Михаил Ривкин “Осиёдағи Русия” исмли китобида руслар “босмачилик” деган миллий мужодала ҳаракати муслмон миллатчиларининг Фаргона водийсиндан ёйилган ҳаракатидур, деб ҳақиқат холни ёзиб нашр килди”.

Муҳаммад Мусо Туркистоний “Хулосаи қалом “босмачи” деган ифтиро ҳақсизликни мудофаа қилиш биз туркистонликларға тушади”, дейди.

Бу жуда тўғри ва ҳаммага тааллуқли гапдир. “Улуг Туркистон фожиаи” китобини варақлар эканмиз, кўплаб керакли маълумотлар оламиз. Китобнинг аввалида русларнинг тарихи, урф одатлари, мўғуллар, Амир Темур ва бошқаларнинг руслар билан бўлган урушлари ва можаролари ҳақида баён қилинган.

Сўнгра руслар Туркистонни қай тарзда босиб олганлари, мустамлақачилик сиёсатлари, Исломи диниға қарши олиб борган ишлари, бу ишларда рус шарқшунослари тутган ўрин баён қилинади.

Китобда, шунингдек, муаллифнинг русларнинг “муфтий” сайлашдағи аралашувлари, муфтий қилиб сайланиши лозим бўлган одамнинг ақлсиз, билимсиз бўлиши учун қаттиқ уринганликлари, ҳужжатлар асосида фол қилинади.

Муаллиф юрт бошиға тушган мушибатларни бирма-бир васф қилиб чиқади. Айниқса, мустамлақачиларға қарши қурашға қатта ўрин берилади. Дуқчи Эшон кўзголонидан бошланиб, мужоҳид кўрбошилар ҳаракати батафсил баён қилинади.

Шунингдек, “Туркистон фожиаи” китобида жаҳидлар ҳаракатиға ҳам алоҳида эътибор берилган.

Китоб сўнггида миллий озодлик ҳаракатлари алдов, хиёнат ва шафқатсизлик билан бостирилгандан сўнг, коммунистлар юрт бошиға солган бало-офатлар ҳақида сўз юритилади.

Ўзимизни англаш жараёнида, тарихимизнинг аслини ўрганиб, омонатни халқимизға ўзлиғича етказиш учун шубҳасиз кенг қўламда ишлар қилиш керак.

Бу борада муҳожирларимиз томонидан қилинган ишларни ҳам муносиб тақдирлашимиз лозим, деб ўйлайман.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф